

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 65 (10.118)

2004 ЙИЛ 6 АПРЕЛЬ

## ЕХХТНИНГ «ТАЪЛИМ - КЕЛАЖАККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ» МИНТАҚАВИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли анжуман қатнашчилари!  
Сизларни Ўзбекистон пойтахти - Тошкент шаҳрига ташрифингиз билан чин дилдан қутлайман.

Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тарихида илм-фан вужудга келган ва тараққий этган, эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари қарор топган минтақа сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.

Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қатор буюк мутафаккирларнинг номлари бугунги кун маорифига асос бўлган мерос билан узвий боғлиқдир. Хозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теран англаб олиш мўҳим аҳамиятга эга: самарали таълим тизимини яратмасдан туриб жаҳонни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.

Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши, шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлайди. Иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг муттасил ривожланишига эришиш учун узлуксиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, энг янги технологияларни жорий этиш ва халқаро таълим билан интеграциялашув талаб этилади. Бу вазифа Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда таълим нафақат давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, айни пайтда террорчилик ва диний экстремизм каби хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларнинг вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишда ҳам мўҳим аҳамиятга эга экани барчага аён. Ислом динини сиёсийлаштиришга ва ундан экстремистик мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётган вазиятда таълим соҳаси «тафаккур учун кураш»нинг, аввало, ёш авлод дунёқараши учун курашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Фаолиятда таълим масалалари тобора устувор аҳамият касб этаётган ЕХХТга ўзининг самимий миннатдорлигини билдираман. Бунда ЕХХТга раислик қилаётган Болгариянинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, ушбу анжуман таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади. Барчангизга ана шу олижаноб ишда самарали меҳнат ва муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Вайра Фрике-Фрейбергнинг тақлифига биноан 2004 йил 7-8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

## ҚИСҚА САТЛАРДА

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида «Маънавият куни» ташкил этилди. Шунингдек, университетнинг ижтимоий-сиёсий фанлар факультети ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб барча гуруҳ талабалари Собир Раҳимов туманидаги кам таъминланган оилалардан хабар олдилар, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатдилар.

● **БУГУН** Тошкент Давлат иқтисодий университетиде талабалар иштирокида ўтказилган тадбир

«Ўз уйингни ўзинг асра» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** гидрометеорология марказида бўлиб ўтган йигилиш об-хавони аниқлашда ёрдам берадиган технологияларнинг аҳамиятига бағишланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида уюштирилган тадбирда миллий тотувликни қарор топтиришда ҳамжихатликда фаолият олиб бориш масаласи муҳокама қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДА** мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар таълим жараёни учун зарур бўладиган маҳсулотлар кўرғазмаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## Тинчлик—энг улуғ неъмат

Тинчлик-осойишталикни кўз қорачигидек асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Маҳаллаларда, қорхона ва ташкилотларда бўлиб ўтаётган учрашувларда ҳамшаҳарларимиз барчани ҳушёрлик ва огоҳликка қақирмоқдалар.

## ЎЗ УЙИМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Куни кеча Яккасарой туманидаги «Уриқзор» маҳалласида бўлиб ўтган учрашувда ҳам содир этилган террорчилик ҳаракатлари наинки республикамиз, балки бутун дунё ахлини ларзага солган ҳақидаги фикрлар билдирилди.

Маҳалла аҳли, профилактика инспекторлари, посбон ва сардорлар иштирок этган учрашувда сўз олган «Уриқзор» маҳалласи фуқаролар йигини раиси Адхамжон Газиев тинчлигимиз, осуда ҳаётимиз, эзгу юмушларимизни қўрқмаётган ғаламислар томонидан содир этилган жиноятлар, қўпурувчилик ҳаракатлари ҳаммамни ҳаммиша огоҳ ва сезгир бўлишга қақирши, ўз уй-

имизни, мустақил диёримизни ўзимиз кўриклашимиз лозимлиги ҳақида гапириб, барча маҳалладошлар фикрини ифодалаб берди.

Тадбирда маҳалла тизимининг катта мавқега эга эканлиги, у бирлашса ҳеч ким енга олмаслиги, бундан кейин янада огоҳ ва ҳушёр бўлиб, 17 та кўча бошлиқлари, профилактика инспекторларининг ҳар бир нарсдан хабардор бўлиши, шу ерда истиқомат қилаётган барча инсонлар дўст-биродар бўлиб яшаши лозимлиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтиб ўтилди. Тинч ва аҳил, бир мақсад йўлида одимлаётган халқни ҳеч қандай куч енга олмаслиги таъкидланди.

## БИРДАМЛИК ТЕРРОРДАН КУЧЛИДИР

Халқаро терроризмнинг навбатдаги, бу сафар Ўзбекистон халқига қарши эълан қилинган хуружи турли мамлакатлар ижтимоий-сиёсий доиралари ва оммавий ахборот воситалари томонидан муттасил равишда муҳокама қилинмоқда.

Содир этилган воқеалар «халқаро террорчилик тўдаси»нинг кирдиқорлари экани ҳеч кимда шубҳа тугдирмаётган йўқ. Франциянинг «Фигаро», «Либерасьон» газеталаридаги мақолалар ва Франс Пресс ахборот агентлигининг хабарларида Тошкентдаги хунрезликлар узоқ вақт тайёрлангани ва хориздан бошқарилгани ҳақидаги Ўзбекистон расмийларининг сўзлари келтирилган.

«Вашингтон таймс» газетаси ўзининг 31 март

куни чоп этилган мақолада турли мамлакатлардаги террорчилар фаоллигининг бир вақтга тўғри келгани ва террорчилик хуружларининг амалга оширилишининг умумий услуби билан бир қаторда портлаш моддаларини ишлаб чиқаришда ҳам бир хил кимёвий моддаларни ишлаштиришга мойиллик мавжудлигига эътибор қаратди. Испания, Ўзбекистон, Филиппин, Индонезиянинг Бали ороли, Туркиядаги портлашлар, АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарига уюштирилган қўпурувчиликларни амалга ошириш чоғида ишлатилган моддалар таҳлили бундан далolat беради.

Давоми 2-бетда.

## XXI саҳоси

Барча манбалардан  
олинган бўлган хабарлар

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов** кеча Оксаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Болгария ташки ишлар вазيري Саломон Пассини қабул қилди.

● «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Таълим - келажакка йўналтирилган сармоя» мавзуда минтақавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти ташкил этилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Афғонистон таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрият жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● **Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари** Марказий музейида «Амир Темур — буюк саркарча ва давлат арбоби» мавзуда учрашув бўлиб ўтди.

● Мамлакатимиз суғурта бозорида хизмат кўрсатаётган компаниялар сони яна биттага кўпайди. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси аҳолининг ҳаёти ва соғлигини суғурта қилишга ихтисослашган «Ўзбекинвест Ҳаёт» компаниясини таъсис этди.

● Эртага футбол бўйича Ўзбекистон XIII миллий чемпионати биринчи лигасида иштирок этадиган жамоалар муСОБАқани бошлайди.

## Жаҳонда

● Полициячиларнинг тезкор хатти-ҳаракатлари натижасида Покистон Бош вазيري Зафарулла Хон Жамали ўзига уюштирилган суиқасддан қутулиб қолди.

● Испаниянинг Мадрид-Севилья йўналишидаги темир йўлида катта кучга эга бўлган портловчи қурилма топилиб, зарарсизлангирилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, у 11 мартда Мадридда содир этилган портлашда фойдаланилган қурилмага айнан ўхшаш.

● Германиянинг жабуи-гарби Баден-Вюртенберг федерал ҳудудида трактор билан тўқнашиши натижасида тезюрар поезд издан чиқиб қетди. Натижада трактор ҳайдовчиси ва поезд машинисти турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

● Австралия маъмурияти дунё мамлакатларидан қочқорлар қабул қилишни қучайтириш ниятида. Хозирча йилга 2 минг нафаргача қочқор қабул қилинаётган бўлса, 2005 йил 30 июндан бошлаб бу ракам 6 мингга етади.

**Иқтисодиёт**

**ДАРМОНДОРИ-ЛАРГА БОЙ**

Одатда ғарқ пишган ёз ва куз нёвматлари — мева ҳамда сабзавотлардан қиш учун шарбатлар тайёрланади. Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Она-Нафиса» хусусий корхонаси раҳбари, тadbиркор аёл Нафиса Тошўлатова эса мева ва сабзавотларни қуритиш орқали ҳар фаслда 100 фоиз дармондориларни сақланган маҳсулот тайёрлайди.

Бугунги кунда корхонада вакуум-сублимация орқали қуритилиб, турли идишларга қадоқланаётган сифатли маҳсулотларга нафақат республикамизда, балки Россия ҳамда бошқа Хамдўстлик давлатларидан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боисдан ҳам маҳсулот экспорти ҳажмини оширишга аҳд қилган корхона ахли сифатга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳсулот турларининг ортиши эса харидор дид ва эҳтижини ўрганиш асосида олиб борилмоқда.

— Тadbиркор изланса, янгиликка ўч бўлсагина ўз муваффақиятини таъминлайди, — дейди Нафиса опа. — Утган йилдан бошлаб кўзқорин етиштирмоқдамиз. Уни маринадлашни ҳамда сублимация йўли билан қуритиб идишларга қадоқлашни ҳам йўлга қўйдик. Шунингдек, укроп, петрушка, сельдерей ўсимликларини ҳам қуритиб, қадоқламоқдамиз.

Энг муҳими эса Нафиса Тошўлатова вакуум-сублимация дастохларининг, технологиясининг ҳам ижодкоридир. Жорий йилдан бошлаб ўзи ижод қилган ана шундай ускуналарни тadbиркорларга сотиш учун лицензияга ҳам эга бўлди.

**ТАБИЙ ЧАРМ МАҲСУЛОТЛАРИ**

Барчамизга маълумки, табиий чармдан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг сифати ва чилдамчилиги билан харидорларга манзур бўлади. Шу боисдан ҳам бундай товарларга талаб катта.

Ана шунини ҳисобга олган ва бугунги бозор талабидан, харидор дилдан келиб чиқиб иш юритаётган хусусий тadbиркор Илёс Абдумажидов чарм маҳсулотларини маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрлашни йўлга қўйди. Ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастурига муҳим ҳисса қўшишга аҳд қилган ҳамда рақобатбардош кийим-кечаклар тайёрлаш мақсадини ўз олдига қўйган хусусий тadbиркор терини ошлаб, сўнгра ундан маҳсулот тикмоқда.

Тadbиркорнинг иш бошлаганига эндигина 1 йил бўлди. Лекин маҳсулот сифати, бичими, модели устидаги изланишлар самара бериб, Туркиядан келтирилган дастохлар асосида тайёрланаётган эркалар ва аёллар устки кийимлари тури 10 тага етди. Энг муҳими эса ушбу товарлар сифати, тикилиши, замонавийлиги, чилдамчилиги ва нархи билан хоржаникдан қолишмайди. Келгусида эса Хитойдан келтирилган ускуналар асосида эркалар қўлагини тикиш режаланмоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

**БИРДАМЛИК ТЕРРОРДАН КУЧЛИДИР**

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Жорий йилнинг 1 апрель кунини Ж.Хопкинс университети ҳузурдаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори Ф.Старр АҚШнинг «С-SPAN» телеканали орқали ўз чиқишида Тошкент ва Бухородаги террорчилик хатти-ҳаракатлари хусусиятлари террорчиларнинг хориждан молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашидан далолат беришини таъкидлади.

Террорчиларнинг мамлакатни ижтимоий-сиёсий беқарорлаштиришга асосий эътибор қаратганларини ва айнан шу йўналишда радиокал ислом мафқураси аҳолининг аксарият қисмига ёт экани ва унинг томонидан қўллаб-қувватланмаслигини алоҳида қайд этди.

Москвадаги Карнеги маркази илмий кенгаши аъзоси А.Малашенконинг фикрича, Ўзбекистондаги муҳим хатти-ҳаракатларни террорчилар глобал стратегиясининг ажралмас қисми, деб баҳолаш мумкин. «Террорчилик хуружларидан мақсад уларни солидир этанларнинг ўз қудрат ва имкониятларини намойиш этишдан ўзга нарса эмас, — деб баёнот берди у Россиянинг интернет-нашрларидан бирига. — 2001 йил 11 сентябрь, Мадриддаги портлатишлар, Тошкентдаги террорчилик ҳаракатлари битта занжирнинг ҳалқаларидир. Бироқ ички сабаб ҳам бор — бу алоҳида олинган давлатда ички сиёсий барқарорликни издан чиқаришга уринишдир».

ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакили Кун Цюань навбатдаги матбуот анжуманида Хитой Ўзбекистонда терроризмга қарши курашни қатъий қўллашни ва инсониятга қилинган зуғумга жаҳоннинг барча тинчликсевар халқлари билан биргаликда муносиб жавоб беришга тайёрлигини билдирди.

ГФР Бундестаги депутати, парламентнинг иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт қўмитаси аъзоси З.Хелиас Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасига йўлаган мактубида шундай ёзди: «Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг элчихонасига йўлаган мактубида қарши курашга муҳим ва бебаҳо ҳисса қўшаёпти. Менинча, республиканинг бу йўналишдаги фаоллиги Ўзбекистон тараққиёти, мамлакат осуда ҳаётини кўра олмаётган қора кучларда салбий муносабат уйғотмасдан қолмади. Террорчилар ёвуз ниятларининг пучга чиқишига ишончим комил. Оғир синовга қарамасдан Ўзбекистон халқи бундан кейин ҳам яратувчанлик йўлида дадил кетаверади».

Террорчиларнинг мақсади — нафақат фуқароларни қўрқув ва саросимага тушириш, балки халқро ҳамжамият ичида зиддият чиқариш, террорчилик, экстремизм ва гисёванд моддалар савдосига қатъий қарши кураш олиб бораётган давлатларни ақалантириш, дўстлар, ишбилармон шериклар, сармоядорлар ва сайёҳларни бу давлатларга бо-

ришдан қўчиштириш. Диний экстремизм муаммолари бўйича америкалик етакчи мутахассислардан бири С.Шварц ўзининг «Америка овози» радиоси орқали чиқишида террорчилик хатти-ҳаракатлари нафақат Ўзбекистон, балки АҚШга ҳам қарши қаратилганини ва уларнинг террорчиликка қарши кураш бўйича иттифоқчиларни кўрқитишга йўналтирилганини таъкидлади. Аммо жиноятчилар бу мақсадларига ҳам эришмадилар.

«Сизлар кўраётган талофат ва жулоларга биз ҳам шерикмиз», деб ёзди виржиниялик Р.Шекли Ўзбекистон элчихонасига йўлаган мактубида. «Ҳозирда экстремизм ва терроризм хавф-хатари глобал тус олди, шу боис бизнинг бурчимиз бу ёвузликни тағ-томири билан йўқотиш йўлида барча муштарак саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этишдир», деб қайд этди Сиэтлда яшовчи Р.Николс.

Ўзбекистонга май ойида сафар қилишни режалаштирган Голландиянинг Антверпен шаҳридаги сайёҳлар гуруҳини бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Унинг раҳбари К.Эверарт гуруҳнинг йигирмата аъзосидан бирортаси ҳам ўз режасини ўзгартирмаганини ва ҳамма саёҳатнинг бошланганини ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон билан учрашувларни сабрсизлик билан кўзатишини Ўзбекистон элчихонасига маълум қилди.

«Жаҳон» АА

ришдан қўчиштириш. Диний экстремизм муаммолари бўйича америкалик етакчи мутахассислардан бири С.Шварц ўзининг «Америка овози» радиоси орқали чиқишида террорчилик хатти-ҳаракатлари нафақат Ўзбекистон, балки АҚШга ҳам қарши қаратилганини ва уларнинг террорчиликка қарши кураш бўйича иттифоқчиларни кўрқитишга йўналтирилганини таъкидлади. Аммо жиноятчилар бу мақсадларига ҳам эришмадилар.

«Сизлар кўраётган талофат ва жулоларга биз ҳам шерикмиз», деб ёзди виржиниялик Р.Шекли Ўзбекистон элчихонасига йўлаган мактубида. «Ҳозирда экстремизм ва терроризм хавф-хатари глобал тус олди, шу боис бизнинг бурчимиз бу ёвузликни тағ-томири билан йўқотиш йўлида барча муштарак саъй-ҳаракатларимизни сафарбар этишдир», деб қайд этди Сиэтлда яшовчи Р.Николс.

Ўзбекистонга май ойида сафар қилишни режалаштирган Голландиянинг Антверпен шаҳридаги сайёҳлар гуруҳини бунга мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Унинг раҳбари К.Эверарт гуруҳнинг йигирмата аъзосидан бирортаси ҳам ўз режасини ўзгартирмаганини ва ҳамма саёҳатнинг бошланганини ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон билан учрашувларни сабрсизлик билан кўзатишини Ўзбекистон элчихонасига маълум қилди.

«Жаҳон» АА

Сўнги кунларда террорчиларнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида халқимизнинг осойишталиги бузилди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази рўй берган воқеалар, давлатимизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва террорчиликка қарши кураш бўйича кўрилатган чораларга фуқароларнинг муносабатини аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида тезкор сўров ўтказди.

**ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ТАРАФДОРИ**

Унда турли этник ва диний гуруҳларга мансуб фуқаролар иштирок этди.

Сўров натижалари фуқароларимизнинг ёвуз кучлар бизнинг мустақиллигимизга, тинчлик ва барқарорлигимизга раҳна солиш учун уринаётгани ҳақидаги фикрини намойиш этди (98,9 фоиз).

«Сизнинг фикрингизча, террорчилик ҳаракатлари ташкилотчиларнинг мақсади нима?» деган саволга кўпчилик (90 фоиздан ортиқ) террорчилар ва уларнинг ташкилотчилари жамиятимиз тинчлигини бузишни, одамларда саросима уйғотиш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ишончини йўқотишни мақсад қилган, деб жавоб берди.

Сўров натижалари шунини кўрсатдики, аксарият фуқароларимиз (99,6 фоиз) мамлакат раҳбариятининг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва террорчиликка қарши курашни кучайтиришга қаратилган чораларини қўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, улар давлат аҳолини муҳофаза қилиш ва тинчлик ҳамда осойишталигини мустаҳкамлаш учун барча ишларни амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилган.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида хушёрлик ва мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорлиқни сақлаш учун фуқаролик масъулиятини ошириш зарурлиги таъкидланган.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида

**ЎзА муҳбири А.ИВАНОВА тайёрлади.**

**Иқтисодиёт**

**ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ**

— Халқимиз орасида талаб катта бўлган уй жиҳозлари ва мебель ишлаб чиқариш учун, — дейди «Konut» масъулияти чекланган жамияти бош директори Улуғбек Абдурахмонов, — туркиялик тadbиркорлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйдик. — Бу билан чегараланмай, албатта жаҳондаги етакчи компания, фирмаларнинг ютуқларини кузатиш асосида доимо изланиб, малакамизни ошириб бораёмиз. Асосийси эса келгусида маҳаллий хом ашёдан сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни мақсад қилганмиз.

Утган 2003 йилда иш фаолиятини 3-4 нафар ходимлар билан бошлаган мазкур корхона бугунги кунга келиб сафида 20 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчиларни бирлаштирди. Бунинг боиси эса юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка давлатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар ва кенг имкониятлардан оқилона фойдаланиш самараси, десак янглишмаймиз.

Ички бозоримизни, харидорлар талаб-истакларини синчковлик билан ўрганиб, корхона жамоаси чиройли, сифатли, рақобатбардош мебеллар, жалюзи, дарвозалар ишлаб чиқармоқда ҳамда замонавий, кўркам турли хилдаги парда, ётоқхона термалари тикишмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити талабларига кўра ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нафақат сифати ва бежиримлиги, албатта, нархи ҳам катта аҳамият касб этади. Шуларга жиддий эътибор қаратган ҳолда иш юритиб, корхона ўтган қисқа давр ичида кўплаб буюртмачиларга эга бўлди. Ҳозирги кунда Туркия ва Россия давлатларидан келтирилган тикув машина ва дастгоҳларида тикувчилик цехи устаси Ширин Миршарипова бошчилигида Бекобод

шаҳридан олинган буюртма бажариб бўлинди. Улардан намуналар жамиятга қарашли салондан ўрин олган.

Корхона тadbиркорлари томонидан малакали, олий тоифали дизайнчи жойга бориб мижознинг тақлиф-истагини инобатга олиб, Европа каталогларидан фойдаланган ҳолда буюртма бажарилади. Жумладан, корхона ахли томонидан бугунги кунга келиб 8 хил рангдаги пластика, алюмин, пластмассаларни самарали қўллаган ҳолда ошона мебеллари, пултли дарвоза, жалюзилар ишлаб чиқарилиб, мижозлар мамнун қилинмоқда.

Мазкур материаллар, айниқса кенг қўлланаётган пластика ўзининг кўплаб афзалликлари эга. Яъни, куёш нурига, иссиқ-совуққа чидамли, ишлатишда қулай, енгил, узоқ муддат хизмат қилиши эса эътиборга лойиқдир. Шунингдек, шовқини ўтказмайди, сувга чидамли ва асосийси, у экологик тоза маҳсулот ҳамдир. Жамият ишчи-хизматчиларининг гайрат-шижоати билан буюртмалар ўз мудда-

тида ва сифатли бажарилади. Жамоа ахли ўз соҳаларида рақобатчилари кўплаб топилишини, шу сабабли ҳам тинмай изланиб, янгиликка интилиш ва албатта доимий ташаббус кўрсатиш лозимлигини яхши тушунадилар.

Халқимизда беҳиж «Интилганга толе ёр» дейилмаган. Гагимизнинг исботи сифатида таъкидлаш жоизки, Шайхонтоҳур туманида ўтказилган «Ташаббус—2004» танловида мазкур корхона фахрли 3-ўринни эгаллади.

Дунё таърибасига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакат тараққиётининг бош омили сифатида кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш муҳим иқтисодий вазифа қилиб белгиланган, — дейди корхона раҳбари. — Тadbиркор раҳбардан эса ҳукуқий билим, ишчанлик ва давр билан ҳамнафаслик талаб қилинади. Шу боисдан ҳам янги-янги режалар, юксак мақсадларни кўзлаган ҳолда меҳнат қилмоқдамиз.

Яқинда корхона томонидан 2 қаватли бино сотиб олинди ва унда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Келгусида ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши ҳисобига 70 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** «Konut» масъулияти чекланган жамиятига қарашли салонда; тикувчилик цехи чеварлари навбатдаги буюртмани бажармоқдалар.

**Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.**



**Маълим**

**АНЪАНАВИЙ  
ИЛМИЙ  
АНЖУМАН**

**Кун кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида талабаларнинг анъанавий илмий-назарий анжумани бўлиб ўтди. Анжуман «Ўзбекистон маданиятининг долзарб муаммолари» мавзусида бўлиб, институтнинг ушбу йил ишонланганидан 30 йиллик юбилейига бағишланди.**

Мазкур анжуманнинг ялпи мажлислари 11 та бўлимда бўлиб ўтди. Анжуман доирасида кўплаб маърузалар тингланди. Бу чиқишларнинг барчасида Меҳр ва мурувват йили дастурини ҳаётга татбиқ этиш, ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари, миллий истиқлол ғояси ва унинг ёшлар ҳаётида тунган ўрни, Ўзбекистоннинг XIX ва XX асрларда истиқлол учун курашган фидойи шахслари, ёшлар маънавиятини шакллантиришда меҳнатнинг ижтимоий роли каби ҳозирги кунимиз учун энг долзарб бўлган масалалар илмий таҳлил қилинди. Шунингдек, анжуманда бўлимлар ҳисоботи билан бирга талабаларнинг ижодий чиқишлари ҳам ташкил этилди.

Ушбу илмий-назарий анжумани талабаларнинг ижодий салоҳиятларини юксалтиришда тажриба мактаби бўлди, десак алашмаймиз.

**ХАЙРЛИ МАҚСАД  
ЙЎЛИДА**

**Тошкент автомобил йўллари институти яна бир хайрли ишни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.**

Кун кеча институтнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўйича проректори Фафур Зокиров вилоятларга ўн тўрт кунга сафарга отланди.

— Ушбу сафарни ташкил этишдан мақсад, — дейди проректор Дагар Расуллов институтимизни битириб ўз соҳалари бўйича иш топишга қийнаётган собиқ талабаларимиз билан учрашиб, жойларда уларнинг ўз иш ўринларини эгаллашларида ёрдам беришдан иборатдир.

Ҳа, бугунги кунда ўз эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаётган ёшлар оз эмас. Бу хайрли қадам эса ўз натижасини бериши шубҳасиздир. Айни кунларда институтда 1,2,3-курс магистрлари илмий-амалий анжуманга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**Ривожланган давлатларнинг тажрибаси лизинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини кўрсатмоқда. Уларнинг асосий вазифаси фаолият юритаётган ва янги барпо этилаётган ишлаб чиқариш кучларини қайта янгилашдан иборат.**

**КОМПАНИЯ ЎЗ ВЕБ-САЙТИНИ ОЧДИ**

Охириги йилларда республика-мизда лизинг хизматлар бозорини ривожлантириш ва шакллантириш борасида жиддий ўзгаришлар бўлди. Лизинг компанияларининг сони ошди, лизинг фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиб, уни такомиллаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Шулар билан бир қаторда ҳозирги кунда лизинг компаниялари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида нафақат сифатли лизинг хизматларини кўрсатиш, балки миқозларга тезкор ва аниқ маълумотлар етказиб бериш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш каби ишларни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Интернет тармоқларидан фойда-

ланишни глобаллашуви ва компютер технологияларини юқори суръатларда тараққий этишини ҳамда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш зарурлигини эътиборга олган ҳолда "Барака" компанияси ўзининг Веб-саҳифасини яратди. Унда компания ҳақида батафсил маълумотлар жамланган. Дастур орқали интернет тармоқидан фойдаланувчилар қисқа вақт ичида "Барака" компанияси ҳақида керакли маълумотлар олиш имкониятига эга. Фойдаланувчи сайтининг қайси саҳифасида ишлаётганидан қатъи назар у бошқа саҳифага кириши учун қулай шартит яратилди.

Веб-сайтда фойдаланувчи ва лизинг олувчилар учун қулайлик яратувчи "лизинг тўловларини

ҳисоблаш" номли саҳифа мавжуд. Унда сайтдан фойдаланувчилар жадвалга ўз маълумотлари (асбоб-ускуна нархи, фойз устамаси, аванс тўлови)ни кириштириб аниқ ҳисобланган лизинг тўловлари жадвалини кўриши мумкин. Сайт орқали мижоз компания билан икки томонлама алоқада бўлиши назарда тутилган. Сайтта бундан ташқари лизинг амалиётларини амалга оширишда қўлланладиган лизинг қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги саҳифа мавжуд.

Сайтнинг асосий вазифаси лизинг олувчилар учун компаниянинг миқозларга хизмат кўрсатиш имкониятлари ҳамда асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчилар ва молиявий институтлар билан янги алоқалар

ўрнатиш имкониятлари ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат. Ички бозорда Веб-сайтнинг рекламасини ахборот порталида кўрсатиш учун "Uzreport.com" билан шартнома имзоланган. Интернет тармоқидан фойдаланувчиларнинг аксарияти ҳаётнинг машҳур кидирув тизимидан фойдаланишларини ҳисобга олиб, компания ўз веб-саҳифасини "Rambler", "Yandex" тизимларида рўйхатдан ўтказди. "Google" ва "Alta Vista" тизимларида рўйхатдан ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу тадбирлар компания ҳақида маълумот бериш, янги бозор яратиш ва миқозларни янада кўпайтириш имкониятини беради. Шунингдек, сармоядорларни Ўзбекистонда лизинг хизматлар бозорининг ҳолати, унинг муаммолари ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлашга қаратилган.

**А.А.ФАФОРОВ,  
"Туркистон-пресс"**

*Иштиролга толе ёр*

**ҲАМКОРЛАРИ  
КЎПАЙМОҚДА**

**«Ҳамкор-текстиль» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Увайс Шокиров бежиз тадбиркорлик йўлини танламади. Унинг асл мақсади республикаимиз иқтисодиёти ривожига оз бўлса-да ўз ҳиссасини қўйиш эди. Дилида тугилган ана шу ният эса уни кичик корхона очишга, ишлаб чиқаришни ташкил этиб, аҳоли учун зарур ва керакли маҳсулот тайёрлашга ундади.**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ядро физикаси институтида бўлим раҳбари лавозимида ишлаган, физика-математика фанлари номзоди Увайс Шокиров тўғри йўл танлаганига ҳамда мана шу йўл билан халқимизга кўпроқ фойдаси тегишига амин бўлгач, астойдил иш бошлади. Биринчидан пахта ўзимизда етиштирилади, иккинчидан ундан хом ашё сифатида фойдаланиш эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқариб сотиш фойдалирок, учинчидан эса халқ ахтиёжи четдан келтириладиган мана шундай товарлар эмас, ўзимизда тайёрланган сифатли маҳсулотлар эвазига қондирилади, тўртинчидан эса қўшимча ишчи ўринлари ташкил этилади.

Ҳудди шу мақсадларни кўзлаб 1992 йилда «Ҳамкор-текстиль» хусусий корхонаси «Курилиш-буғлаш-ташмир» ташкилоти кўмагида иш бошлади. Ушбу ташкилот хусусий корхонага жой ҳамда дастгоҳларнинг бошланғич қийматини тўлашда ёрдам берди. Россиядан келтирилган тўқув ва тикув дастгоҳлари ёрдамида мамлакатимизда ип-калава ишлаб чиқарувчи корхоналардан зарур хом ашёни олган тадбиркорлар дастлабки маҳсулот — момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришни бошлаб юборишди. Хусусий корхонада иш билан таъминланган 10 нафар ишчи-хизматчиларнинг диққат-эътибори сифатли, харидоригр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга қаратилди.

Ўтган йиллар мобайнида талаблар ўрганилиб, буюртма бўйича ҳам маҳсулотлар тайёрлашга эришилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, яна 15 та ишчи ўрни яратилди. Социкларнинг тури эса харидор талабига кўра 12 хилдан ортди. Шу билан биргаликда аёллар ва эркеклар учун ҳаммом халатлари, чойшаб ва ётоқхона (кўрпа) жилдлари тайёрлашга ҳам киришилди. Ишлар ривожланиб кетди.

Ушбу маҳсулотлар пойтахтимиздаги «Тошкент универмаги», «Чилонзор» савдо маркази ҳамда республикаимиздаги йirik савдо шохобчаларига шартнома асосида етказиб берилмоқда. Албатта, тадбиркорларнинг яқин келгусида ўз фирма дўконига эга бўлиш ниятлари бор.


Албатта, сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон бўлади. Лекин харидорнинг талаби ҳам бозордаги турли-туман янги маҳ-

сулотга қараб ортиб бораверади. Бу эса маҳсулот тайёрловчидан изланишни, ҳар кун бозорни ўрганишни талаб этиб, янги дизайн устида ишлашни тақозо этади. Шу боисдан ҳам сочиқларнинг турли гулли нусхаларини тайёрлаш учун замонавий мосламалар олинди. Улар ёрдамида тўқши жараёнида буюртмани талабига мослаб гул босиш имконияти мавжуд бўлиб, улар турли-туманлиги билан ажралиб туради, яъни гуллар ҳам тўқилади.

Ўтган йилда хусусий корхонада 25 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунингдек, «Ле Меридиан Ташкент» меҳмонхонаси, «Юнусобод» теннис корти ва бошқа ташкилотларнинг буюртмалари ўз вақтида удаланди. Келгуси режалар хусусида тўхталадиган бўлсак, бозор талаби асосида ишлаш, жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулот тайёрлаш замонавий дастгоҳлар сотиб олишни талаб этади. Тадбиркор Увайс Шокиров ана шу мақсадни амалга ошириш учун чет эллик ҳамкорлар билан ишлаяпти. Сифатли маҳсулот тайёрлаш, шу асосда дунё бозорига чиқиш учун пардозлаш технологияларини киришти устида иш олиб борилмоқда.

— Юртимизда тадбиркорлик ривожига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, қонун ва қарорлар чиқарилмоқда, — дейди Увайс Шокиров. — Лекин

ҳамиша ҳам уларнинг ижроси яхши йўлга қўйилмаётгани тадбиркорликнинг ривожига тўсиқ бўляпти. Яна айрим муаммолар хусусида тўхталадиган бўлсак, тадбиркор ўз маҳсулотини тўғридан тўғри бозор орқали харидорга сотиш имкониятига эга эмас. Кичик корхоналар оддий фурнитура



хом ашёларини бозордан олиш учун нақд пулга муҳтож. Бундай харажатлар учун нақд пулни банклардан олиш мураккаблиги, хали тўла хал этилмаганлиги ишмизга панд бермоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кредит олиш масаласидаги айрим расмиятчиликлар, масалан гаров масаласи хусусида ҳам айрим муаммолар ҳал этилиши лозим деб уйлайман. Яна шунга айтишим лозимки, асосий хом ашёимиз — пахтанинг нархи сезиларли даражада ошди. Бу, албатта ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархида ҳам аксини топади. Лекин харидорларнинг сотиб олиш қуввати дерли ўзгарган эмас. Шу боисдан хом ашёни етарли миқдорда олишда бироз қийинчиликларга дуч келяпмиз.

Ҳар бир ишда изланган, имконият кидирган ўз муваффақиятини таъминлайди. Бунга тўғри англаган тадбиркор Увайс Шокиров ҳам ўз мақсадлари йўлида изланишдан, ҳамкорлар топишдан чарчамайпти. Ишончимиз қомилки ушбу сай-харақатлар, албатта ўз самарасини бериб, корхона маҳсулотлари нафақат ўз бозоримизда, балки ташқи бозорда ҳам харидорларга эга бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: тадбиркор Увайс Шокиров ва иш юритувчи Бехзод Шокиров тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; чеварлар Нодира Турсунова, Машхура Шомахмудова ва Наргиза Абдурахмонова тиккан янги маҳсулот харидорларга манзур бўлади; тўқув цехи илғори Жаннат Мадарбекова ўз дастгоҳи тилини жуда яхши билади.**

**Ҳакимжон Солиҳов  
олган суратлар.**



Маънавият чуқур ва кенг маънога эга бўлган тушунча бўлиб, фақат инсонгагина хос бўлган, инсонни инсон қилиб, уни бошқа жамият мавжудотлардан тубдан фарқлаб, кескин ажратиб турадиган онг ва тил, ақл-идрок, тафаккур, мурувват, саховат, раҳм-шафқат, иймон-этиқод, ватанпарварлик, ҳалоллик, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат, ўзи ва ўзга миллат кишиларини, уларнинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилиш, қадрлаш сингари фазилатлардан таркиб топади. Инсоннинг кўнгли ҳақида гап борар экан аввалданбор унинг нечоғлик нозик ва таъсирчанлигини таърифлашга тил ожиздир. Зеро, алломаларимиздан бири ҳам айнан инсон қалби ҳақида гапира туриб, шундай деган эди:

Мусохаба

Кўнглиг мулкига сайр

Дунёда қолдими кўрмаган нарсам, Кўрдим деб гердайман, не кўрибсан кам. Бир одам кўнглини овлай олдингми? Инсоннинг қалбидан борми кенг олам?! Бизнинг «Тошкент» ҳаққаро аэропорти ижтимоий инфратузилмани бошқаришни ташкил этиш ва ижтимоий тараққиёт бўлими бошлиғи Зиёвуддин Илҳомов билан суҳбатимиз ҳам маънавий қадриятларимиз хусусида кечди.

— Зиёвуддин ака, айтингчи, маънавий етуклик деганда сизнингча инсоннинг қайси хусусиятларини назарда тутиш мумкин?

— Биласизми, маънавият сўзининг ўзида қанча маъно-ю, мазмун яширин. Яъни, инсоннинг инсонийлиги унинг маънавий оламнинг тинчлиги ва юксаклиги билан ўлчанади, деб ўйлайман. Маънавий етуклик чинакам инсонийлик белгисидир. Маънавий етуклик бор жойда инсоф, динбат, ҳиммат, мурувват, олижаноблик, ташаббускорлик, ижодкорлик ҳам албатта кўзга ташланади. Қолаверса, маънавиятнинг негизи оиладан бошланиб, ахлоқ меъёрлари деган тушунча ва уларни белгиловчи мезонлар орқали шаклланади.

— Маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда маҳалла ва атроф-муҳит ҳамда оммавий ахборот воситаларининг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

— Албатта ҳозирги кунда маънавиятни ёшлар онгига сингдиришни тарғиб қилиш борасида бир қатор ишларни амалга оширяймиз, бироқ бугунги ёшларимиздан айримларини маънавий баркамолликдан кўра моддий бойлик кўпроқ қизиқтириши ва меҳроқибат, катталарга хурмат туйғуси деярли йўқлиги кишини афсуслантиради. Зеро, устоз-файласуф Ғайбулла ас-Салом ҳам: «Инсондан қолган яхши сўз унинг

иккинчи умри бўлади ва боқий яшайди», дея бежиз айтмаганлар. Демак, инсон доимо комилликка интилиб, касбга, ўқишга, ҳаётга муҳаббат билан яшамоғи, қалбида фақат эзгу туйғуларни шакллантириб, ҳасадгүйлик иллатидан қутулмоғи лозим. «...Мен денгизлар, ўрмонлар, тоғу саҳролар, фалакка, аршу-курсига сиғмайман, аммо мўмин одам қалбига сиғаман, лекин фақат басират кўзи очилган орифларгина бунинг англаб етади», — дейди Аллоҳ Таоло ҳам Куръони Каримда. Ҳа, инсон қалби кенгликда мисоли денгиз бўлиб, у қабоҳатда ҳам, эзгуликда ҳам даҳодир. Ҳазрати Навоий сўзи билан айтандиган бўлсак, Инсоннинг ўзи бир «Ҳайрат». Демакки, инсоннинг нафс кўзи эмас, қалб кўзи доим очик бўлиб, эзгуликка хизмат қилиши лозим. Шу ерда меҳроқибатни қадрламайдиган ёшларимизга қарата устоз шоир Абдулла Ориповнинг айтган тўртликларини келтирсам:

Маънавий қадриятларимизни сингдиришда маҳалла ва атроф-муҳит ҳамда оммавий ахборот воситаларининг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

— Биласизми, маънавият сўзининг ўзида қанча маъно-ю, мазмун яширин. Яъни, инсоннинг инсонийлиги унинг маънавий оламнинг тинчлиги ва юксаклиги билан ўлчанади, деб ўйлайман. Маънавий етуклик чинакам инсонийлик белгисидир. Маънавий етуклик бор жойда инсоф, динбат, ҳиммат, мурувват, олижаноблик, ташаббускорлик, ижодкорлик ҳам албатта кўзга ташланади. Қолаверса, маънавиятнинг негизи оиладан бошланиб, ахлоқ меъёрлари деган тушунча ва уларни белгиловчи мезонлар орқали шаклланади.

— Маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда маҳалла ва атроф-муҳит ҳамда оммавий ахборот воситаларининг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

— Биласизми, маънавият сўзининг ўзида қанча маъно-ю, мазмун яширин. Яъни, инсоннинг инсонийлиги унинг маънавий оламнинг тинчлиги ва юксаклиги билан ўлчанади, деб ўйлайман. Маънавий етуклик чинакам инсонийлик белгисидир. Маънавий етуклик бор жойда инсоф, динбат, ҳиммат, мурувват, олижаноблик, ташаббускорлик, ижодкорлик ҳам албатта кўзга ташланади. Қолаверса, маънавиятнинг негизи оиладан бошланиб, ахлоқ меъёрлари деган тушунча ва уларни белгиловчи мезонлар орқали шаклланади.

— Маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда маҳалла ва атроф-муҳит ҳамда оммавий ахборот воситаларининг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

— Биласизми, маънавият сўзининг ўзида қанча маъно-ю, мазмун яширин. Яъни, инсоннинг инсонийлиги унинг маънавий оламнинг тинчлиги ва юксаклиги билан ўлчанади, деб ўйлайман. Маънавий етуклик чинакам инсонийлик белгисидир. Маънавий етуклик бор жойда инсоф, динбат, ҳиммат, мурувват, олижаноблик, ташаббускорлик, ижодкорлик ҳам албатта кўзга ташланади. Қолаверса, маънавиятнинг негизи оиладан бошланиб, ахлоқ меъёрлари деган тушунча ва уларни белгиловчи мезонлар орқали шаклланади.

яқин одамнингиз, атрофингиздагилар хиёнат қилиши мумкин, аммо китоб сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайди. У ҳақиқий дўст, уни ўқиганингиз сари қалбингиз нурга тўлади. Инсондаги энг буюк тарбия, бу — руҳ тарбиясидир. Ўткир Ҳошимов, Ўктам Усмонов, Чингиз Айтматов, Тоҳир Малик, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Турсунной Солиқоваларнинг ижодлари, китоблари руҳимизни соғлом қилади. Устозим деб қай бирини айтишимизни билмоқчи бўлсангиз, уларнинг ҳаммасини устоз, деб билман, ҳар бирининг ўзига хос беқиёс ижодий йўналиши бор.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТДА: кутубхонанинг мана шундай ёш китобсевар аъзолари сони тобора кўпаймоқда.

Алексей Попов олган сурат.

лекин энг катта устозим бу машҳур файласуф олим Ғайбулла ас-Саломдир. Уларнинг «Эзгуликка чоғлан одамзод», «Эй умри азиз» китобларини қайта-қайта севиб ўқийман ва қизиғи ҳар ўқиганимда ҳар хил таассурот оламан. Менга армон бўлиб қолган бир нарсам ҳам шуки, Ғайбулла ас-Салом билан учрашолмаганим. Уларнинг «Бу дунёда муҳаббат, шафқат, саховат бошқаради. Меҳр бор жойда шафқат бор, шафқат бор жойда мурувват бор, мурувват бор жойда оқибат бор» деган доно фикрларини ҳаммаша ёдда тутаман. Яна Шавкат Раҳмоннинг ушбу мисраларидан қувват оламан:

Ҳали ҳам кеч эмас, ҳали бор фурсат, Ахир вужудамас, қалбдадир қувват. Лаҳзада ўзининг ўзинга кўрсат, Эҳтимол бўлмайди эртага бу вақт.

Дарҳақиқат, ҳаёт бисоли дарё, дам тошқинланиб оқади, дам пасайиб, Илоҳим, барчанинг қалби эзгуликка тўлиб тошқинланаверсин, унга миллий гурур, маънавият ҳамроҳ бўлсин. Зеро, маънавият, ҳаёт баънисоли дарё, дам тошқинланиб оқади, дам пасайиб, Илоҳим, барчанинг қалби эзгуликка тўлиб тошқинланаверсин, унга миллий гурур, маънавият ҳамроҳ бўлсин. Зеро, маънавият, ҳаёт баънисоли дарё, дам тошқинланиб оқади, дам пасайиб, Илоҳим, барчанинг қалби эзгуликка тўлиб тошқинланаверсин, унга миллий гурур, маънавият ҳамроҳ бўлсин.

— Адабиётимиз ва санъатимизнинг кўзга кўринган намоёндалари билан кўп мулоқотда бўлгансиз. Улардан қайси бирини ўзинингиз устозингиз деб биласиз?

— Жудаям қизиқ савол бердингиз. Биласизми, адабиётга ва санъатга ихтисос қўйган одамнинг қалбида жажолатга ўрин бўлмайди. Инсон учун бу дунё — синов. Дўстингиз,

ЯНА БИР ЗИЁ МАСКАНИ

Чилонзор туманидаги «Гулистон» даҳасида яна бир зиё маскани — кутубхона очилди.

Гап шундаки, бешта умумтаълим мактаби ва битта лицей фаолият кўрсатаётган, қад ростлаганига 17 йил бўлган ушбу даҳада шу вақтгача бирорта кутубхона йўқ эди. Туман ҳокимлиги 59-уйнинг 1-қаватида кутубхона филиалини очган ҳолда даҳа аҳолисига ўзига хос маърифий совға тўхфа қилишга аҳд этди. Ва қисқа муддат ичида кутубхона аъзоларининг сони тобора кўпайиб бормоқда. Бу ерда китобхонлар учун бой мумтоз ва замонавий адабиётлар, турли йўналишлардаги газета ва журналлар мавжуд. Кутубхона ходимлари — зиё маскани раҳбари Людмила Кржижановская ва Мохира Салимовалар китобхонларга керакли адабиётларни таллаш ва топшиш, рефератларни тайёрлаш борасида кўмаклашишга доимо тайёрлар.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТДА: кутубхонанинг мана шундай ёш китобсевар аъзолари сони тобора кўпаймоқда.

Алексей Попов олган сурат.



Маънавият — ақл кўзгуси

Биз мухлислар «Тошкент» студиясининг ҳар кунги она тилимизда янграб ҳаво мавжларига узатиладиган 240 дақиқалик мусиқий-ахборот эшиттиришини имкон қадар жон қулоғимиз билан тинглаймиз.

Ватанимизнинг равнақи йўлида инсон қадрини дилга жо қилиб заҳматқашлик билан хизмат қилаётган маҳоратли журналист Абдуҳаким Даминов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳнинг хизматидан мамнун Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимиз меҳнатқашлари учун бериладиган эшиттиришни нафақат биз пойтахтликлару вилоят ахли, ваҳоланки бутун республикамиз халқи тинглайди, десам янглишмаган бўламан.

Журналистлар Раъно Ортиқова, Абдуҳалил Ваҳобов, Ҳошимхўжа Саидалиев ҳамда Исмоғил Фаттоҳов каби зукко журналистларнинг олиб бораётган эшиттиришлари орқали ҳали халқимиз эшитиб улгурман хабару янгликлар, шу билан бирга дастурхонимизнинг тўкин-сочин, ноз-неъматларга бой бўлишида асосий ролни ўйнайдиган қишлоқ ҳўжалигимизда олиб борилаётган ишлар, қўли қадоқ леҳқону боғбонларимизнинг қўчган зафарлари, баъзи муаммолар тўғрисида сўз юритилиши билан бирга дидрабо куй-қўшиқлар берилиб, ўзининг бевоСИта мулоқотларига тингловчи мухлисларни жалб қилиб билмаганимизни билдириб қилишлари ва ўз ўрнида маҳоратли актриса мундирининг ҳам сиздиқилдан адо этишлари тўғрисида кўпчилик мухлисларнинг «Тингловчи мулоҳазаси» муҳарририятга йўллаган мактублари орқали эшитганимиз. Алишер Исомидиновнинг ҳар кунги «Бу ажиб галати

ва ниҳоят «Тошкентликлар» эшиттиришлари диққатга сазовордир. «Тошкент» студиясининг забардаст журналистларидан Баҳодир Аҳмедовнинг «Маҳалла» ҳамда Алишер Исомидиновнинг «Тошкентликлар», «Матонат», «Кулгу гулдастаси», «Хотира» ҳамда

олам» рукнида тайёрлаган қатраларини эшитган шинаванда борки, қойил қолмай иложи йўқ.

Мен «Тошкент» студияси муҳарририятининг фаолияти тўғрисида бир оддий фикраро, мухлис сифатида дил сўзларимни айтар эканман, сўз юритмоқчи бўлганим — радиовикторинани унутмаёзиман.

Ҳар пайшанба куни олиб бориладиган журналист Баҳодир Ашуров муаллифлигидаги радиовикторинанинг ишқибозлари ниҳоятда кўп ва тобора ортиб бораёпти. Радиовикторина шубҳасиз юртдошларимизни фикрлашга ундагани ҳолда ўз ўрнида уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, билимининг чархланиб боришида катта аҳамият касб этиши аён. Мени 2003 йил октябр ойида олиб бориладиган викторинанинг ғолиблари орасида тошкентлик 7-синф ўқувчиси Азиз Муҳаммадбафоев борлиги қувонтирган бўлса, ой охиридаги ғолиблар беллашувида мутлақ ғолибликни қўлга киритган юртодошимиз бўқалик Ҳафиззоҳон Фаёзовнинг дунёқарашига, билимига қойил қолдим. Ўзбекистон радиоси «Тошкент» студияси муҳарририятининг барча ходимларига, ижодий жамоасига ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, халқимизга хизмат қилишда чарчамасинлар дегимиз келади.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ СУРАТДА: «Тошкент» студияси муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари Раъно Ортиқова ва шарҳловчи Инобат Усмонова келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Мен «Тошкент» студияси муҳарририятининг фаолияти тўғрисида бир оддий фикраро, мухлис сифатида дил сўзларимни айтар эканман, сўз юритмоқчи бўлганим — радиовикторинани унутмаёзиман.

Ҳар пайшанба куни олиб бориладиган журналист Баҳодир Ашуров муаллифлигидаги радиовикторинанинг ишқибозлари ниҳоятда кўп ва тобора ортиб бораёпти. Радиовикторина шубҳасиз юртдошларимизни фикрлашга ундагани ҳолда ўз ўрнида уларнинг дунёқарашини кенгайтиришда, билимининг чархланиб боришида катта аҳамият касб этиши аён. Мени 2003 йил октябр ойида олиб бориладиган викторинанинг ғолиблари орасида тошкентлик 7-синф ўқувчиси Азиз Муҳаммадбафоев борлиги қувонтирган бўлса, ой охиридаги ғолиблар беллашувида мутлақ ғолибликни қўлга киритган юртодошимиз бўқалик Ҳафиззоҳон Фаёзовнинг дунёқарашига, билимига қойил қолдим. Ўзбекистон радиоси «Тошкент» студияси муҳарририятининг барча ходимларига, ижодий жамоасига ишларида улкан муваффақиятлар тилаб, халқимизга хизмат қилишда чарчамасинлар дегимиз келади.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ СУРАТДА: «Тошкент» студияси муҳарририятининг бош муҳаррири ўринбосари Раъно Ортиқова ва шарҳловчи Инобат Усмонова келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда.

Козим Ўлмасов олган сурат

Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллиги олдидан КУМУШБИБИНИ СОҒИНИБ...

Кумушбиби ва «Ўтган кунлар», «Ўтган кунлар» ва Кумушбиби... Улар бир-бирини мантқан тўлдирди. Бири иккинчисисиз ўзини анчайин ғариб, анчайин яқаш ҳис этади. Зотан, улар бир танганинг икки томони, бир бутуннинг икки бўлаги. Шундай экан асарнинг етакчи қаҳрамони Кумушбиби ҳақида қанча гапирсак оз. Аввало шунни айтиш керакки, Кумушбиби адабиётимиздаги бошқа гўзаллик илоҳаларидан ажралиб туради.

У содда ва самимий, қалби мисоли тонг шабнамидек титроқли, кўнгли муҳаббат замзамаларидан озурда. Кумушбиби севгилиси Отабекни бутун борлиги билан севади. Муҳаббати ҳар хил манфаатлардан, турмушнинг иқир-чиқирларидан, ҳаёт хираликларидан холи. Зеро, чин муҳаббатнинг холис баҳоси ҳам шу аснода белгиланади. Муаллиф унинг қиёфасини ўқувчи кўз олдида гавдалантириш учун шошиб ўтирмайди. У романга шундай бир синеоат билан кириб келадики... келинг уни биргаликда кузатайлик.

«Отабек дўкандорнинг курсатишча кутидорнинг ташқарисига кирди. Шу пайт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тўшди. Кумуш ҳам ариқ ёғасига келиб тўхтаган чингилдин (бугунги адабий тилимизда бу сўз «келишган» деган маънони беради.) йигитка беихтиёр қараб олди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бир мунча вақт кўз ололмадилар.

Охирида Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини туйиб ётқан қиқ қоқилари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка бир табассум ҳам ҳада қилди...» («Ўтган кунлар» романидан.)

Кумушбининг гўзал ва мафтункор қиёфаси шу тариха китобхон қалбига кириб келади. Кейинчалик, Отабекнинг «Ой каби юзлар, қулиб боқишлар, чўчиб қочишлар...» дея тунни тунга, кунни кунга уриб оху фиғон чекишига сабабчи бўлган бу малак, асарнинг якунигача китобхон кўз ўнгига туради. Хўш, нима шу ўринда бир савол: модомики, у бир боқшдаёқ жисми жонини ўртаб юборган йигитга ички хайрихолик билдирган экан, нега унда «енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак» томонга олди?

Назаримизда бу, асар муаллифининг Шарқ кишиси эканлигида, боз устига ўзи тасвир этаётган фариштасифат қизни муслмонча одоб-ахлоқ мезонларини пухта билладиган, шарму ҳаё, ило мажлиси сифатида кўрсатмоқлик истаги кучлилигида. Би-

нобарин, Қодирийнинг бошқа асарлари, жумладан, «Меҳробдан чаён»да Кумушбиби-Раъно ҳам ақлу хуш, ички ва ташқи оламнинг муштарак севади. Муҳаббати ҳар хил манфаатлардан, турмушнинг иқир-чиқирларидан, ҳаёт хираликларидан холи. Зеро, чин муҳаббатнинг холис баҳоси ҳам шу аснода белгиланади. Муаллиф унинг қиёфасини ўқувчи кўз олдида гавдалантириш учун шошиб ўтирмайди. У романга шундай бир синеоат билан кириб келадики... келинг уни биргаликда кузатайлик.

«Отабек дўкандорнинг курсатишча кутидорнинг ташқарисига кирди. Шу пайт тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тўшди. Кумуш ҳам ариқ ёғасига келиб тўхтаган чингилдин (бугунги адабий тилимизда бу сўз «келишган» деган маънони беради.) йигитка беихтиёр қараб олди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бир мунча вақт кўз ололмадилар.

Охирида Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини туйиб ётқан қиқ қоқилари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка бир табассум ҳам ҳада қилди...» («Ўтган кунлар» романидан.)

Кумушбининг гўзал ва мафтункор қиёфаси шу тариха китобхон қалбига кириб келади. Кейинчалик, Отабекнинг «Ой каби юзлар, қулиб боқишлар, чўчиб қочишлар...» дея тунни тунга, кунни кунга уриб оху фиғон чекишига сабабчи бўлган бу малак, асарнинг якунигача китобхон кўз ўнгига туради. Хўш, нима шу ўринда бир савол: модомики, у бир боқшдаёқ жисми жонини ўртаб юборган йигитга ички хайрихолик билдирган экан, нега унда «енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак» томонга олди?

Назаримизда бу, асар муаллифининг Шарқ кишиси эканлигида, боз устига ўзи тасвир этаётган фариштасифат қизни муслмонча одоб-ахлоқ мезонларини пухта билладиган, шарму ҳаё, ило мажлиси сифатида кўрсатмоқлик истаги кучлилигида. Би-

санчиши (В.Шекспир)ни кўрсатиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, санаб ўтилган дунё адабиёти дурдоналаридан бироз бўлса-да ҳаётдан йироқлик сезилади. Аммо «Ўтган кунлар» бундай асарлар сирасига мансуб эмас. Кумушбиби асар охирида ота-онасига «ариқ бўйидаги йигит» учун исён кўтарганида романнинг бадиий етуклиги, ишонарлилик даражасига жиндай пугур етган бўлурди, албатта.

Модомики, сўзимиз индаллоси «Ўтган кунлар» ва унинг гўзал малағи Кумушбиби ҳақида бораётган экан, Кумушнинг кундоши Зайнаб томонидан захарланиш боби — «Ой кунни яқин эди» ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак деб ўйлайман.

Захарланиш... Хўшрўйбининг маслаҳати билан Зайнаб томонидан бажарилган бу қотиллик ўқувчинини-да, муаллифнинг ўзини-да ўртаб юборади. Замондошларининг хотирлашича, мавлоно Қодирий айнан шу бобни ёза туриб юм-юм йиғлаган экан.

«...Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўлтурди. Отабек ва онаси

оёғ устида эдилар. Кумушнинг кўзи юмуқ, сочлари юзи ўстида паршон эди. Ҳожи ўз кўли билан сочларни тузатиб Кумушнинг кўкмилт товланган юзини кўрди ва мангалини босди...»

— Ойим... Ойим! — деди Ҳожи. Кумуш кўзини очиб бесаранжом унга назар ташлади ва таниб... кўзгалмоқчи бўлди...»

Кўринадими, шугина лавҳада ҳам Кумуш ўз ички гўзаллигини, ҳаёсини намойиш этаётир. Жон таслим қилаётган бўлса-да қайнота-си Юсуфбек ҳожидан ийманнади. Умуман олганда, «Ўтган кунлар»дек асарнинг дунёга келиши фавқаллоқ ҳодиса. Кумушбиби эса мисоли узукка қўйилган муносиб кўз каби, ҳали ҳанузгача ўқувчи кўнглида ажиб ҳисларни уйғотадиган хайратларга чулғашига ишонамиз. Зотан, истеъдодли ёш шоира Муҳаббат Мансурова айтмоқчидек: «Ўтган кунлар» ўтиб кетар, куйган қолар Юсуфбек ўгли каби суйган қолар. Кумуш сени ўйлаганда дил ўртанар Муҳаббатнинг ғамзалари ўтга солар. Хидирали ПАНЖИЕВ



Шарқ дурдоналари

**03-03 УЎНГАНИЎ**  
**ДОМО БУЎЛУР...**

- Яхши устоз яхши шоғирдлар етиштиради.
- Уз шоғирдларида меҳнатдан завқланиш ҳислатларини уйғота билган устоз шарафларга лойиқ.
- Устоз шоғирдини ҳаётга тайёрламоғи учун, аввало ўзи ҳаётини чуқур билмоғи лозим.
- Уз устозининг ҳурматини жойига қўймаган шоғирд илмдан ҳеч қачон фойда кўрмайди.
- Шоғирдининг ўз муаллими олдидаги одоблари шундан иборатки, у ўз муаллими олдида жим ўтиради, кўп гапирмайди.
- Шоғирдининг ўз муаллими олдидаги одоблари шундан иборатки, у ўз муаллими олдида жим ўтиради, кўп гапирмайди.
- Устоздан изн бўлмаганча ҳеч бир масала ҳақида сўрамайди. Устознинг гапларини бўлмади, тортишмайди. Унинг олдида бошқа кишилар билан суҳбатлашиб, кулишиб ўтирмайди. Устоз унга қараб гапирётганда ҳар томонга кўз ташламай устознинг кўзига қараб туради. Устозда чарчаш аломатлари зоҳир бўлса, ўқиш ва гапиришни тўхтатади, ўрнидан турса бирига туради. Уйга етмагунча йўлда саволга тутмайди. Устоз бирор иш қилганда ёқимсизроқ туюлса, эътиқодини ёмон қилмайди. Чунки устоз кўп нарсани билади. Эҳтимол шоғирдининг ақли етмаган нарсани қилгандир.

**Байт:**

**Ҳақ йўлидан ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

- Халқнинг муҳаббатини молу дунёингиз билан эмас, балки одоб, ҳушмуомалангиз билан жалб эта оласиз.
- Биров сенга ишониб бирор нарсани омонат қўйса унинг молига хиёнат қилма.
- Бошқалар ёнида бировга айбларини айтиб насиҳат қилиш — уни одамлар олдида уялтириш демакдир. Шунинг учун холи жойда насиҳат қилиш керак.

Хиёят: донишмандлардан бири ўғлини тиқиштириб овқат ейишни таъқиқлади. Ўғли айтди:

— Эй отажон, очлик одамни ўлдирди, тўқ бўлиб ўлиш очлик ҳолда яшадан яхшироқ эмасми?

**Отаси айтди:**

— Эй ўғлим, ўртача овқат ейишга одат қил. Тиқиштириб овқат ейиш беш кўлни оғизга тикқан очкўздан фарқ қилмайди. Очкўз кишини ҳар қадамда ҳалокат қутади. Е, ич, аммо исроф қилма. Шу насиҳатга амал қилсанг умринг узун бўлади.

**Байт:**

**Бу пандимни эшит, фарзанди содик, Билиб иш қил, насиҳатга мувофиқ. Сенга ким ишониб топшириб қўйса омонат, Эсанг доно унга қилма хиёнат.**

Кибр ва ғурурдан узоқ бўл. Кибр кишини эл орасида хор, бекадур беъэтибор қилади.

• Донолар айтдилар:

— Куйдаги тўрт нарса тўрт ноҳушлиқни келтириб чиқаради. Худбинлик расволикни, серғазаблик пушаймонликни, такаббурлик душманликни, ношукрлик хорликни.

- Такаббурга салом берма. Саломга жавоб қайтариш унга оғирлик қилади, жавоб бермагани эса сенга малоллик келтиради.

**“АЛ-АХРОМ”ДА ДАВРА СУҲБАТИ**

**Мисрнинг “ал-Ахром” стратегик тадқиқотлар марказида халқаро иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва сиёсий масалалар бўйича олим ва мутахассислар иштирокида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Тадбирда иштирок этган Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, академики Н.Иброҳимов республикамизда маънавият ва маърифат соҳасидаги ижобий ишлар, жумладан, таълим соҳасини ислоҳ этиш, кадрлар тайёрлаш дастурининг амалга оширилиши тўғрисида маъруза қилди. Имом Бухорий республика илмий — маърифий маркази раиси З.Мунаввар мамлакат раҳбариятининг диний ҳаётга эътибори ҳамда Ўзбекистонда ин-

сон ҳуқуқлари борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва демократик жараёнларнинг бориши тўғрисида батафсил маълумотлар берди.

“Ал-Ахром” стратегик тадқиқотлар маркази директори ўринбосари Мухаммад Саиднинг қайд этишича, Ўзбекистон ўзининг сиёсий салоҳияти ва иқтисодий имкониятлари бўйича минтақада ишончли шерик сифатида эътироф этилади. Сунгги йилларда мамлакатда катта ўзгаришлар юз бераётгани-

га тўхталиб, давлат қурилиши соҳасида муҳим ислохотлар амалга оширилаётганига эътибор қаратди. Жумладан, давлат маъмурий аппаратини қисқартириш ҳисобидан тўлланган маблағ ижтимоий лойиҳаларни бажариш имконини беради.

Анжуман иштирокчиси профессор Диё Рашвон бу фикрни ривожлантирар экан, давлат бошқарув тизimini ислоҳ этиш йўлидаги маъмурий лавозимларнинг қисқартирилиши ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тўсиқ бўлиб турган беҳаракат бюрократик аппаратнинг бартараф этилишида муҳим қадам бўлди, деб қайд этди.

Марказнинг жаҳон иқтисодиёти бўйича эксперт профессор Аҳмад Маҳмуд эса, бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни изчиллаштиришнинг амалий босқичига кирганини таъкидлади.

**БЕРЛИНДА КОНФЕРЕНЦИЯ**

**ГФР пойтахтида “Афғонистон ва халқаро ҳамжамият — келажак учун ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида 54 давлат, Афғонистонни урушдан кейин қайта тиклаш жараёнига ҳисса қўшаётган турли халқаро ташкилотлар делегациялари иштирок этди.**

Ҳозирда Ўзбекистон томонидан транспорт юкларининг бетўхтов катновини таъминловчи Термиз-Мозори Шариф-Қобул йўналиши бўйича 10 та кўприк қуриб битказилди. Имтиёзли нархлар бўйича электр энергия таъминоти амалга оширилмоқда. Айти пайтада Афғонистонга Ўзбекистон ҳудуди орқали 2,5 миллион тонна инсонпарварлик юклари етказилди.

Конференция доирасидаги амалий учрашувлар чоғида Афғонистонга молиявий ёрдам курсатиш, ушбу мамлакатда фуқаролик жамиятини барпо этиш, гиёванд моддалар савдосига қарши ку-

раш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Конференция якунига кўра, Афғонистон билан бевосита чегарадош мамлакатлар — Ўзбекистон, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон ва Туркменистон гиёванд моддаларга қарши кураш тўғрисидаги Берлин декларациясини имзолашди. Бу балога қарши курашда Афғонистонга фаол қўмаклашяётган БМТ, Буюк Британия ва Германия қузатувчилар сифатида иштирок этишмоқда.

Конференциянинг муҳим натижаларидан бири халқаро ҳамжамиятнинг яқин уч йил давомида Афғонистонга

8,2 миллиард АҚШ доллари миқдорда молиявий ёрдам ажратиш тўғрисидаги қарори бўлди.

Конференция давомида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Афғонистон ташкилотлар вазири А.Абдулла, Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, Қирғизистон ташқи ишлар вазири А.Айтматов, Қозоғистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари К.Абусеитов, Япония делегацияси раҳбари ўринбосари, ташқи ишлар вазириликнинг Афғонистон масалалари бўйича элчиси Т.Хоримура ва Тожикистон президенти ташқи ишлар вазириликнинг Афғонистон масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси Э.Раҳматуллоев билан учрашувлар ва музокарадан ўтказдилар. Томонлар Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини қайта тиклаш борасидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди.

**“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.**

**Ҳаракат хавфсизлиги ҳафталиги**

**БАРЧАМИЗ ҲИССАМИЗНИ ҚўШАЙЛИК**

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси котибиятининг қарорига асосан 2004 йил 5 апрелдан 11 апрелга қадар йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳафталиги ўтказилмоқда. Жаҳонда шундай нуфузли ташкилотнинг бундай тадбирини ўтказишдан мақсади нима, деган саволнинг тугилиши табиий. Оддий бир мисол. Ҳар йили Тошкент шаҳрида 2500 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бунинг оқибатида 200 дан ортқ инсон ҳаётдан кўз юмиб, 3000 га яқин инсон турли даражада тан жараҳати олади.**

Бу йўл-транспорт ҳодисалари ичида 500 таси келажакимиз эгалари — болалар иштирокида содир этилиб, оқибатда 20 дан ортқ бола ҳаётдан кўз юмиб, 500 га яқини турли хил тан жараҳати олиб, бутун умрга майиб ва мажрўх бўлиб қолмоқда.

Бу дегани 2500 тадан ёки унданда кўпроқ оиланинг тўқилган кўз ёшларидир. Бунинг ҳаммасини бутун дунё бўйича ҳар бир инсон ўзича ҳисоблаб кўрса, кўз олдидангизга келтиринг, бормонлар қанча бўлишини. Бир кунда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаси соничи?

Ҳақиқатан ҳам бугун дунёда техника тараққиёти жадаллашиб, хусусан автомобил таъмири ҳам ривожланишда ўзининг юқори поғонасига эришмоқда. Бугунги кунда биргина энгил автомобилларнинг

8 мингга яқин турлари мавжуд. Шундай экан, автомобиллар бизнинг узоғимизни яқин, ҳожатимизни чиқарувчи восита бўлиб ўз навбатида, хавф турдирувчи восита бўлиб ҳам ҳисобланади. Ваҳоланки шундай экан, автоловларнинг иложи борица хавфсизлигини таъминлаш автомобиль яратувчи олимлар ўртасида муаммо бўлиб қолмоқда. Хавфсизликни таъминлаш воситалари сифатида туром тизimini, рул бошқариши, хавфсизлик камари ҳамда пуфак чиқарувчи ёстиқча мосламалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ҳали етарли даражада эмаслиги ўзидан маълум, аммо автомобилни бошқарган инсоннинг ҳам ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Шундай экан, ҳаракат хавфсизлиги ҳафталигини ташкил этишдан қўланган мақсад хал-

қимиз ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориб, уларнинг онига «Йўл қондаси — умр фойдаси» эканлигини етказиб, қорхона, мактаб, муассасаларда тушунтириш ишларини олиб боришни йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари олдида вазифа қилиб белгилаб беради. Шунинг билан бирга йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузаётган ҳайдовчи ва педдаларни аниқлашга қаратилган тадбирлар ўтказилиб, ИТҲни камайтириш йўлида саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. Бу фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмасдан умумхалқ иши бўлиши зарур, чунки унинг орқасида ҳар бир инсон ҳаёти ётибди. Бинобарин, пойтахтимиздаги ҳар бир вазирик, ташкилот, қорхона раҳбарлари, олий ўқув юрталари, мактаб ва муассасалар, ота-оналар, маҳалла-қўй, ишбилармонлар, ҳар бир фуқаро ва меҳмонларимиз бу тадбирга ўз ҳиссаларини қўшиб кўча ва йўлларимиздаги ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам берадилар деган умиддамыз.

**Кўзйой АНГБАОБ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот-ташвиқот бўлинимаси бошлиғи, милиция подполковниги**

**Маълум**

**МАКТАБДА «ИНТЕРНЕТ» КЛУБИ**

**Ўқувчи ёшларда компьютер саводхонлигини ошириш йўлида мактабларда муҳим таълимий тадбирлар кўрилмоқда. Тошкентдаги 200-умумий ўрта таълим мактабда бу борада амалга оширилаётган ишлар айниқса, мактовга сазовордир.**

Билим даргоҳида иқтидорли ўқувчиларнинг «Интернет» клуби очилиши ҳам айти мудоао бўлди. Толиби илмларнинг компьютер техникасига, Интернет тармоғига бўлган қизиқишларини таъминлаш йўлида қўрилган бу саъй-ҳаракатдан ота-оналар ҳам мамнун бўлишди.

Компьютер билан муомала қила билиш, дастур тузиш каби жараёнларни пухта эгаллаш учун хизмат қилаётган мазкур клубда фаннинг турли йўналишларига оид мавзулар ҳақида маълумотларни тез ўзлаштириш, почта орқали хориждаги тенгдошлари билан хат ва ахборот айирбошлаш учун ҳам қулайликлар муҳайё қилинди.

**Аҳмад АББОСОВ**

**Билиб кўйган яхши**

**НОННИ УВОЛ  
ҚИЛМАНГ**

**Нонни икки-уч кеча кундузгача юмшоқ сақлайдиган махсус нон идишда сақласангиз маъкул. Бу идиш ҳафтада бир марта нон қолдиқлари, бурда, тўғрам, увоқлардан тозаланиб, сўнг сирка эритмаси билан ювилиб, яхшилаб қуритилиши лозим.**

Нонни полиэтилен халтачаларда сақлаш ҳам мумкин, халтачани албатта вақти-вақти билан илқ сувда ювиб, яхшилаб қуритиш зарур.

Нон ўз мазасини яхши сақлаши билан бирга яна хушбўй бўлиши учун сирланган костреолканинг остига бир чимдим ванилин сепиб, нонни солиб, устини полиэтилен плёнкаси билан ёпиб қўйинг.

Ортиқча нонни сира ташлаб юборманг. Уни 0,5-0,6 сантиметр қалинликда кесиб, офтобда ёки духовқада қуритинг ва дастурхонга қўйинг. Бундай сухарини болаларингиз маза қилиб истеъмол қилишга ишончимиз комил.

**ШУДРИНГ УЗРА  
ЮГУРМАНГ**

**Деярли ҳамма ўз болалигини эслаши табиий. Айниқса, сахарда майсазорларда худди олтин болдоқдек қуёшда товланадиган шудрингларга ҳайрат билан боқмаган бола бормикан?**

Ёмғир ёғиб ўтган, олам мусаффо бўлади. Чунки ёмғир томчилари ҳаводаги ифлос зарраларни ювади, дейишган. Балки шунақадир. Лекин шудринг-чи?

— Шудрингларнинг ҳам таркиби ўзгариб кетди, у болалигимиздаги нақ чўмилгудек жиққа хўл бўлганимиздаги шудринг эмас, — дейди сув кимёси бўйича мутахассис. Ҳозир худди тупроқ сингари ҳаво ҳам захарли моддаларга тўлиб-тошиб кетган. Оқибатда кўриниши шаффоф шудринг зарарли моддаларга ниҳоятда тўйинган. Инсоф билан айтганда ёмғир шудрингга қараганда тозароқ.

Иш шудрингни захарлашгача етиб борган экан, одамларнинг локкайдлик истеъдоди анча «довон ошиб» қолгани аниқ. Ишқилиб шудринг узра яланг оёқ югуриш болажонларнинг кўнглига келиб қолмасин-да.

Дастлаб С. Раҳимов туманида жойлашган Қуёш кўчасига келиб, шу ерда ўйнаб юрган олти-етти ёшлардаги Азизани «Сени суратга тушириб, телевизорда чиқараман» деб алдаб, қулонидаги зирагини ушлаб турман деб, уни чалғитиб, ечиб олиб, воқеа жойидан гоёй бўлишди. Сал нарида шу кўчада ўйнаётган Сайёрани ҳам «Сени суратга тушириб, телевизорга чиқараман» дея алдаб, «суратга тушишда ечиб қўйиш керак» дея зирагини олиб чўнтакка ҳижолади. Сайёра телевизорга чиқишидан хурсанд бўлиб, зирагини ҳам эсдан чиқаради. Бундан фойдаланган опа-сингиллар қочиб қўлишади. Чилонзор тумани, Алгоритм даҳасида жойлашган 9 қаватли уйнинг олдида учта қизалоқ ўйнаб ўтирганини кўришади. Нилуфарга «Мен «Еш авлод» студиясиданман, уйингда ҳеч ким бўлмаса ҳождатхонага олиб киргин» дея Зилола уни алдаб уйига кириб олади. Уйда ҳеч ким йўқлигини билган эса у қизалоқларни алдасига кирдишади.

— Нилуфар, сен жудам ёқимтой киз экансан. Бор опангнинг тилла тақинчоқларини тақиб чиқ, сени суратга тушириб, телевизорга чиқараман. Сизлар бўлса, пас-тада мулошида турган «Телевизион» автомашинасидан фотоаппаратини олиб келинглар.

Қизалоқлар хурсанд бўлиб югуриб кетишди.

— Нилуфар, илтимос игна билан ип бер, юбкаман сал сўкилибди, тикиб олай.

— Хўп бўлади. Ана галадонда ҳар хил иглар билан турибди олақолинг.

Пайтдан фойдаланган Зилола игна-ип олиб ётоқхонага кирди. Ётоқхонадаги шафк ичини титкилаб бир даста тилла тақинчоқлар топиб олиб, уларни беркитди. Ётоқхонадан чиққан унга жавдираб турган Нилуфарни алдади:

— Мен ўзим фотоаппаратни олиб келаман, сен кутиб тур, хўпми!

— Хўп, — дея Нилуфар уни эшиккача кузатиб қўйди. Зилола қўлидаги тилла буюмларни «Олой» бозоридан нотаниш кишига сотиб юборди. Сўнгра синглиси Маъсуда билан Юнусобод тумани, 15-даҳада жойлашган 9 қаватли уйнинг олдида келиб бир хонадон эшигини тақиллаштиди. Уй ичарисидан ёш қизанинг «Ким» деган сўрағига у «Биз, «Еш авлод» студиясиданмиз, сени суратга олиб, телевизорга чиқарамиз» дея жавоб қайтаришди. Мадина хурсанд бўлиб эшикни очди. Зилола уни алдаси йўлга ўтди.

— Мадинахон, игна-ип бергин, тугмачам узилиб кетибди, тикиб олай.

— Вой, ана дераза олдида турибди. Олаверинг.

Зилола игна-ип олиб ётоқхонага кириб кетди. Маъсуда эса Мадина

ва дугоналарини гап билан чалғитиб турди. Зилола эса дарҳол ётоқхонадаги шафк ичидаги қутичадан тилла буюмларни олиб, беркитиб чиқди.

— Қизларжон, суратга чиройли тушишларинг учун опаларингнинг тақинчоқларини тақиб чиқинглар, мен ҳозир келаман.

У шундай дея қўшни уйнинг йўлига ичарисига кириб бироз турган, қайтди.

— Қизларжон, плёнка қолмабди, кенроқ бўлади. Соат 18.00ларда келамиз.

— Биз кутамиз, - дейишди қизалоқлар. Опа-сингил қўлга киритган ўлжаларини «Олой» бозоридан сотиб юбориб, пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатишди.

тумани, Беруний мавзесида жойлашган 9 қаватли уй олдида келишди. 6-қаватга чиқиб бир эшикни тақиллаштиди. Эшикни уч ёшлардаги болакай очди.

— Опанг уйдами!  
— Опам уйда йўқ.  
— Бўлмаса кутиб турайлик, кўнғирок қилиб олсак майлими!

— Кириб, — дея болакай уни телефон турган жойга бошлади.

— Юбкаман сўкилиб кетди, тикиб олай, - деб Зилоланинг дугонаси ётоқхонага кириб кетди. Зилола эса уч ёшли болакайни чалғитиб турди. Бир неча дақиқадан сўнг улар уйдан чиқиб, кўчада йўловчи автомашина тўхтатиб кетишди. Гўмдон қилишган икки дона узукни Ферузага бериб, қолганларини сотиш

очди.

— Опанг уйдами? Мен опангнинг уртоғини кизи Дилдора бўлман. Кўнғирок қилиб олай.

— Майли, кириб.

Зилола яна ёлғондакам телефон қилишга тутинди. Кейин эса Назокатни алдасига тушди.

— Сени суратга тушириб телевизорга чиқараман. Қулонидаги зирагинг бўлмайди. Бор, опангнинг тилла тақинчоқларини тақиб чиқ. Назокат хурсанд бўлиб, онасининг ётоқхонасига кириб кетди. Зилола шу ерда турган шафадан тилла буюмларни ахтара бошлади. Чўнкак ичинда тилла узук топиб, яширди. Назокат ясаниб чиқди.

— Кенроқ онанг келганда келармиз, кутиб ўтир, - дея уни ҳам алдаб чиқиб кетишди. Синглиси Маъсуда билан С. Раҳимов тумани Қорақамиш 1/2 даҳасига келиб Моҳианинг ҳам уйда ҳеч ким йўқлигини фойдаланиб чўв туширишди.

Кўнғир ишининг кўрқ йилдан кейин ҳам қийинчи қиёда дейдилар. «Ҳуварани хом санаб» юрган фарибгарлар далилий ашёлар билан қўлга олгани ва қўлимишларига яраша жазолашди. Суд Зилола Содиқоваларни ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этиб, жазонинг қаттиқ тартибли колонияларда ўталашни белгиланди. Маъсуда Содиқова эса етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазонинг умумий тартибли тарбия колонияларида ўталани белгиланди. Унга ҳисобатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72-моддаси қўланиб, тайинланган жазо шартли деб эътироф этилиб уч йил сиёв муддати белгиланди. Зилола ва Маъсуда Содиқоваларга жабрланувчилар 15.341.000 сўм, 3.225 АҚШ доллари ва ўзбек сўмида ундирилиши юклатилиши ҳамда «Skin» фотоаппарати, «Versace» кўзойнаги ҳамда кучга кирган сўнгхабарлашувчиларга етказилган зарарни қоплаш мақсадида мусодалар қилинди.

«Яхши бола нон келтирар, ёмон бола ҳам келтирар» дейди доно халқимиз. Узларининг нопоқ хатти-ҳаракатлари билан ота-она қалбини дол айлаган бу фарзандлар эртаги ким бўлади! Ўғри, фарибгарни қайси оила ўз бағрига олади. Айниқса «қамалиб чиққан» деган тамга қизларнинг бошига бир умр тавқи лънат сингари ёпиштириладуку. Қизлар ўз ҳаётларини, келажакларини ўйлаб қўришдикикин! Бу ўринда ота-она ҳам қизларнинг қаерда юрганини, кимлар билан ўртоқ эканини сўраб-суриштиришдими? Уларнинг қўлларидан пуллар қаердан келгани ҳақида ҳеч қизкиб қўришдики? Агар уларни вақтида тергаб, бирор-бир ишининг бошини тутишга ундашганда эди бундай қўнғироклик бўлмасмиди!

**Раҳимжон АЛИЕВ,  
Собир Раҳимов туман суди судьяси.  
Хонбиби ҲИММАТ қизи,  
Журналист**

**Эҳтиёт бўлинг, фарибгар!**

**НОЖЎЯ ИШ —  
КЕЛТИРАР ТАШВИШ**

**Опа-сингил Зилола ва Маъсуда Содиқовалар бири 1981 йил, яна бири 1984 йил Тошкент шаҳрида туғилишган. Шайхонтоҳур тумани, Шофайз I тор кўчаси, 7-уйда истиқомат қилишади. Вақтинча ҳеч қаерда ишлашмайди, турмушга ҳам қиммаган. Бекорчиликдан кўп нарсалар келиб чиқади. Опа-сингил енгил-елли пул топиш режасини пухта ўйлашди. Қўзларига қора кўзойнак, елкаларига фотоаппарат илганча ишга шўнғишди.**

Зилола Чилонзор тумани, Алгоритм даҳасида яшовчи бир табионинг уйда Феруза Рихсиева билан танишиди, дугона бўлишди. Бир кунга гап орасида Зилола синглиси иккаласи қилаётган ўғирликлари тўғрисида Ферузга аёнлашиб қўйди. Шу гапдан сўнг икки ҳафта ўтган Феруза Зилоладан қарз сўраб борди.

— Кечирасан, ҳозир сенга пул бера олмаيمان, — деди Зилола.

— Майли, кўрамиз. Агар қилаётган ўғирликларингни онанг ёки милиция ҳодимларига айтсан, биласанми нима бўлади!

— Феруз, қўй ундай қилма. Майли пул қилиб бераман.

— Йўқ, унақаси кетмайди. Энди ўғирланган тиллаларингдан менга ҳам берасан.

— Майли, бераман. Фақат ҳеч кимга айтма, жон дугона.

Феруза у билан хайрлашиб кетди. Шундан сўнг Зилола ўғирланган тиллалардан маълум бир қисмини Ферузга бериб турадиган, қолганларини «Олой» бозоридан сотадиган бўлди. Опа-сингиллар «ови» бароридан келатганидан хурсанд бўлиб навбатман-навбат ўлжа излаб қатор туманларда изғишди. Анча-мунча бойлик ҳам тўплашди. Бир кун Шайхонтоҳур

уни унга қолдиришди. Кейин синглиси Маъсуда билан Юнусобод туманидаги кўпқаватли уйлارнинг бирига келишди. Маъсуда 5-қаватга кўтарилиб эшик кўнғирогини босди. Ичарида болалар бор экан, аммо эшикни очишмади. Маъсуда Зилоланинг олдида тушиб, болалар эшикни очишмаганини айтди. Улар бешикни қаватга қарашди. Деразадан уч-тўрт ёшлардаги болакайлар қараб туришарди.

— Нимага эшикни очмадинглар! Мен опангнинг уртоғининг қизиман.

Бу гапни эшитган болалар эшик томон юришди. Опа-сингиллар апил-тапил бу хонадонга ҳам кириб олишди. Кўнғирок қилиб олиш мақсадида телефонни сўрашди. Зилола ўзи ўйлаб топган рақамга кўнғирок қилиб, гаплашгандай бўлди.

— Опаларинг келса, мана бу телефон рақамига кўнғирок қилсин, — дея ўзлари ўйлаб топган телефон рақамини бериб чиқиб кетишди. Тиллаларни Чилонзор буюм бозоридан сотиб юбориб, қолган қисмини Ферузга беришди. Фарибгар қизлар энди Қорақамиш 1/2 даҳасига келиб кўп қаватли уйнинг йўлига кириб, 4-қаватига чиқишди. Эшикни тақиллаштиган эди, ёшгина қизалоқ

**Баҳор неъматлари**

**ШИФОБАХШ ХОССАЛАРГА БОЙ**

**Кўклам кўкатлари орасида бир қатор серхосиятли гиёҳлар борки, улардан масаллик сифатида фойдаланиладиган бўлса, тайёрланган таомлар фақат татимлиги, лаззатлиги билангина эмас, балки шифобахшлиги билан ҳам бир қатор дардларга эм бўлиши мумкин.**

Ўлкамиз бағрида ўсувчи мингларча ўсимликлар орасида газандаўт ўзининг танаманзурига, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Айни баҳор палласида газандаўтдан ялғиз, исмалоқ, беда, момоқаймоқ, очамбитни (жағ-жағ), қўзиқулоқ, мачин, крафш, карьяфс каби кўклам кўкатлари билан биргалликда кўкатли чўчвара ва сомсалар тайёрланса тана аъзолари мунтазир бўлиб турган дармондориларга ва микроунсурларга ёлчиди.

Газандаўтни баъзан биз чаёнўт, қичитқийўт деб номласак, тожиқлар — газанг, газангир, қозқолар — қшитган, қирғизлар — чалқан, туркманлар — чит-чити, гуш гўнмас, руслар — крапива, араблар — анжира деб юри-тадилар.

Халқ табobati амалиётида газандаўт барглари асосида тайёрланадиган дамлама, қайнатма ёки ўсимлик қуқуни безгак, нафас қисими, бурун ва оғиздан қон кетиши, кўкрак оғриғи, бавосил касалликларига даво сифатида, шунинг

дек балғам қўчирувчи ва пешоб ҳайдовчи омил бўлиб хизмат қилади. Газандаўт баргидан тайёрланадиган доривор воситалар, чунончи қайнатма, барг қуқуни қон тўхтатувчи нафис сурғи сифатида қўланилади. Унинг пешоб ҳайдаш, томир деворларини кенгайтирувчи хусусиятларидан фойдаланилади. Шунингдек, газандаўт препаратлари қандли диабет, сурункали яраларда ижобий таъсири билан танилган. Бадан салқилишида газандаўтли обзан қабул қилинади. Туркманларнинг ўсимлиқнинг барглари асосида тайёрланган дамлама билан бошни ювиш одатлари бор. Бундай амал бемавруд соч тўқилишидан сақлайди.

Газандаўт ялғилиши жараёнини тўхтатади, меъда фаолиятини яхшилайтиди, диспенсия, диэнтерия касаллиқларида довланишига омилкорлик қилади, қонни тозалайди. Унинг янги тайёрланган шарбати фалажга енгиллик бериши тўғрисида маълумотлар боп.

Замонавий тиббиёт амалиётида газандаўт

препаратлари геморридал қон кетишда, хайз мароми бузилганида (климакс), сурункали варикоз яраларни довлалашда, гипо ва авитаминоз касалликларидан тавсия этилади. Ҳозирда жигар хасталиқларидан кенг қўлланилаётган «Аллахол» препарати таркибида газандаўт улуши бор.

Болгария, Польша, Германияда газандаўтдан анемия, атеросклероз, ревматизм, буйрак ва қовуқ ялғилинишида, жигар касалликларидан, бавосилда, шунингдек тери касалликларидан, қўйишда, соч тўқилишида атрофликларда фойдаланилади. Газандаўт йиғма чойлар таркибига киритилади.

Айни баҳор пайтларида газандаўт шўраки таомлар, кўк шўрвалар, чўчвара ва сомсалар таркибига киритилиши, дармонсиз аъзоларга қувват бағишламай қўймайди. Сўзимизга хотима беришдан олдин газандаўт хазинасидаги дармондорилар билан таништиришга тўғри келади. Чунончи, бу гиёҳ таркибидан С,В,К билан белгиланувчи дармондорилар, каротин, пантотен, чўмоли кислоталари, уртицин гликозиди, танид, фитонцидлар (бактерияларга қирон келтирувчи омил), кварцетин, гистамин, микроунсурлар, темир тузи бор. Ўз-ўзидан равшанки, мазкур кўкат ўзининг шифобахшлиги билан ҳар қандай организмнинг мустаҳкаманишида асқотади

**Маннон НАБИЕВ,  
доришunos олим**

**Спорт**

**ХАВЗАДА — ТАЛАБА СУЗУВЧИЛАР**

**Шаҳримиздаги 110-мактаб сув ҳавзасида «Универсиада — 2004» мусобақаси дастуридан ўрин олган яна бир спорт тури — сузиш бўйича қизиқарли баҳслар ўз якунига етди.**

Иккинчи босқич учрашувларида пойтахтда жойлашган 17 та олий ўқув юртида тахсил олаётган жами 154 талаба — 53 нафар қизлар ва 101 нафар ўсмирлар ўзаро куч синашди.

Дастлаб 50 метрга эркин усулда сузиш бўйича Мария Булгакова (Тошкент Давлат иқтисодиёт университети), ўсмирлар ўртасида эса пойтахт Педагогика университети вакили Андрей Войцеховичлар зафар кучишди.

100 метрга брасс усулида Камола Мансурова (ЎЗМУ) ва Олег Сидоров (Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институту) барча рақиблирини ортда қолдиришди.

50 метрга баттерфлей усулида сузишда яна Мария Булгакова ҳамда ўсмирлар ўртасида пойтахт Педагогика университетида Александр Карповлар ғолиб чиқашди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 200 метрга брасс усулида сузиш бўйича ҳам Камола Мансуровага тенг келадиганлар топилмади.

Шундай қилиб, барча натижалар сарҳисобига кўра, 288 очко тўплаган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари биринчи, Тошкент Давлат педагогика университети ўсмир-қизлари иккинчи ва ниҳоят Тошкент Давлат техника университети ёшлари учинчи бўлишди.

Барча ғолиб сузувчилар республика босқичида қатнашишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Тамара Таировна Ермаковага турмуш ўртоғи

**Александр Иванович ЕРМАКОВ**нинг

вафот этганиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуккур таъзия изхор қилади.

Ер юзида замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон ҳудудида замбуруғларнинг 300 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Бу истеъмол учун яроқли бўлган замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли «қўзиқоринлар» деб атайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маълумли моддалар, оқсил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига мансуб дармондориларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган қўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай қўзиқоринларни маҳаллий аҳоли ўз ибораси билан заҳарли ўсимлик — «қурбақанинг салласи» деб атайди.

Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибида гелвелли кислота, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидаги заҳарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қизиришга жуда ҳам

турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Оқибатда истеъмол қилган кишиларни заҳарланишга дучор қилади. Шундай ўткир заҳарли қўзиқорин турларидан бири «Лепиота» деб аталади. У шаҳримиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарахлар теварагида ва бошқа жойларда учраб туради. «Лепиота» барча

қўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни савдо шохобчаларини харид қилишини тавсия қиламиз.

Заҳарли қўзиқоринлардан билмай истеъмол қилган кишиларнинг орадан 6-12 соат вақт ўтганидан сўнг кўнгли айнаб, тез-тез қайт қилиши кузатилади. Ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзои бадани бўшашиб кетади.

Қўзиқорин таркибидаги заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости беши ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илқ намаккобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

**Шуҳрат ЮСУПОВ,**  
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири

**Шифокор оғошайтиради**

**ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИҒ**

*Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёгингарчиликлар кўпайиши туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.*

қўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатлари га махус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган «Вешанка» ва «Шампиньон» қўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун рухсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган қўзиқоринлар ва улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда ҳар бир маҳсулотлар учун гигиеник сертификат берилади. Ана шундай гигиеник сертификатга эга бўлган

қўзиқоринларга ўхшаб соябон шаклида ўсади, уни истеъмол қилган киши қаттиқ заҳарланади.

**У-шу**

**ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛАДИ**

*У-шу (кунг-фу) республикамизда нисбатан «ёш» бўлса-да, тез ривожланиб бораётган спорт турлари қаторига кирилади, у кенг тарқалаётган спорт турларидан бири. Шу сабабдан у-шу бўйича яхши натижаларни қўлга киритаётган спортчиларимиз сафи ортиб бормоқда.*

Хабар қилганимиздек, яқинда Олимпия шон-шухрати музейида у-шу (кунг-фу) федерациясининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда у-шу бўйича спорт усталари, мураббийлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди. Маълумки, ушбу спорт турида ёш чегараланмаган бўлиб, унда ҳар бир ёш вакили бемалол шугулланиши мумкин.

Тадбир давомида у-шу бўйича шаҳримизда 20 та клуб фаолият юритаётгани қайд этилиб ва ушбу спорт тури бўйича вакилларимизнинг эришаётган ютуқлари ҳусусида сўз борди. Матбуот анжуманида Владимир Гасанбеков у-шу (кунг-фу) федерациясининг президенти этиб сайланди ҳамда федерациянинг раъсий белгиси қабул қилинди. Шунингдек, анжуманда вилоятлардан вакиллар сайлаб олинди ва у-

шу федерациясининг низоми тасдиқланди.

— Маълумки, у-шу жангвор спорт турларидан ҳисобланади, — дейди федерация президенти В.Гасанбеков. — Бу спорт турида ўзига хос бир қанча қонун-қоидалар бўлиб, буни ҳамма ҳам мукаммалгича ўрганишга матонатни етказмайди. Шундай бўлишига қарамай ҳозирда спортчиларимиз у-шунинг силрларини тўлиқ эгаллай олдилар. Буни спортчиларимизнинг VI жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этганини исботлаб иштироки. Шунингдек, май ойида у-шу бўйича республика чемпионати ўтказилди. Бу чемпионатда янги-янги иқтидорли спортчилар номларининг кашф этилишига шубҳа йўқ. Ўйлаймики, улар келгусида ўз маҳоратларини дунёга намойиш этадилар.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**БИР ҚАЙНОВИ ИЧИДА ГАПАЛАР**

- Юқоридаги балқондан ахлат ташловчилар, ахлатни кўзингизга қараб ташланг! (Кўп қаватли уйдаги эълон).
- «Эшик аста очилиб, «Волга ГАЗ-24» ҳовлига мўралаб-мўралаб қўйди. (Радиолаҳдаи).
- Бузоқ, ҳўв бузоқ, менга қаранг! Тўхтанг бирпас, ай-танларингизни бераман. (Мол бозоридаги гапдан).
- «Тухумни товуқ тугади-ю тухум сотувчилар нукул «меники зўр», «меники зўр» деб гердайишади-я!» (Тухум бозоридаги луқма).
- «Дарвоза 10 сантиметр чамаси чапроқда бўлганда, тўп дарвозага кириши аниқ эли». (Футбол шарҳидан).
- «Кеча бир харидор «Кулогим сизда» дейди. Менда бўлганда-ку, билардим-а, нима қилишни. Чалғитадиларда, шунақа». (Қассобнинг дегани).
- «Ич кўйлагингиз борми, синглим?» (Харидорнинг сотувчи қизига гапи).

- «Кўшнимиз Қора денгизда чунонам қорайибдики, асти қўяверасиз. Мен ҳам бироз қораймасам бўлмайди. Жа-а оқариб кетибман. (Кўшниллар гурунгида).
- «Ўғлим, харидорлар ичида таниш-билиш бўлса, уриб қолавер, беизин. Улар ўзимизники. Бегоналардан эҳтиёт бўл!» (Тажрибали сотувчининг ўғитидан).
- «Тарозига мол кўйдингми, дарров харидорнинг кўзларига қара, агар у тарозига қараб турган бўлса, тўғри бўл. Агар кўзи бошқа ёқда бўлса, қарсиллатиб ур, тарозидан, баччагарни!» (Сотувчиларнинг маслаҳатлари).
- «Ҳар ким билан ҳам ош-қатиқ бўлаверма, ўғлим! Қўлидан ул-бул иш келадиган, ёрдами тегиб турадиган бўлса, белини сила. Жа ақд ўргатаверадиган бўлса, бирикки гапига қулоқ солмай турсанг, ўзи кетиб қолади. (Отанинг ўғлига насиҳати).

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Маусис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.  
4409 нусخаи босилди. Қонғол бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш мажбурлиги бўйича турар жойлардаги почта бўлимадаги «Кў» Тошкент почтабинтаси — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.